

ISSN 2010-9075

БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ  
МӘМЛЕКЕТЛИК УНИВЕРСИТЕТИНИН

**ХАБАРШЫСЫ**

БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ  
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

**АХБОРОТНОМАСИ**

**ВЕСТНИК**

КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО  
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА

1

НӨКИС 2019 НУКУС

## СОДЕРЖАНИЕ

## ЕСТЕСТВЕННЫЕ И ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

МАТЕМАТИКА. ФИЗИКА.  
ТЕХНИКА.

|                                                                                                                                                              |    |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Отаров А. О., Таджиев Т. М., Абдукодирова И., Олламбергенов Ф. Решение задачи Коши для обыкновенных дифференциальных уравнений неявными разностными методами | 4  |
| Қурбанбаев Ө.О., Баймуратова К.А., Нарбаева Р.Д. Кешигиўши аргументке ийе дифференциаллык тенлемелер ушын базыбир шегаралық мәселелер                        | 8  |
| Қазымбетова М.М., Уразымбетова Э.П. Еситиўди раўажландырыў ушын интернет ресурсларынан пайдаланыў...                                                         | 12 |
| Мажидов Н. Н., Атамов А. А., Айтбаев К.Р. Полдан иситиш тизимлари                                                                                            | 14 |
| Низомов Ш.Р., Ешмуратов М.С., Бектурсынова Қ.Қ. Темирбетон конструкцияларига хароратнинг таъсири                                                             | 15 |
| Реймов К.М., Узаков Б.А., Сарсенбаев Д.Б. Выбор неопределенных множителей лагранжа при оптимизации краткосрочных режимов гидротепловых энергосистем          | 17 |
| Бахрамов У.Р., Абдиганиева Г.К. Методы описания нагрузок системы подачи и распределения воды для долгосрочного прогнозирования                               | 19 |

ХИМИЯ. ТЕХНОЛОГИЯ.  
БИОЛОГИЯ.

|                                                                                                                                            |    |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Алланазаров К.Ж., Балтабаев Ө.Ө. Үлкемиздин тарихий объект атамалары                                                                       | 22 |
| Гофуров Қ.Ғ., Холияров М.Ш., Шамуратов М.Т., Алланиязов Г.Ш., Шодиева Ш.М., Салаева Н.С. Чимдиб титиш машинасини такомиллаштириш           | 24 |
| Қосназаров Қ.Қ., Алимбетов Д.У., Қосназаров Қ.А. Жанубий Орол бўйи қўриқ ерларида PANICUM MILIACEUMML ўсимлигини ўстириш ва унинг аҳамияти | 26 |
| Таумуратова Г.Н. Состояние качества источников питьевого и хозяйственного водоснабжения Республики Каракалпакстан                          | 29 |

## ОБЩЕСТВЕННЫЕ И ГУМАНИТАРНЫЕ НАУКИ

ЭКОНОМИКА

|                                                                                                                           |    |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Қалмуратов Б. С. Қорақалпоғистон Республикасида инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва самарадорлигини бошқариш йўналишлари | 32 |
| Маденова Э. Н. Қорақалпоғистон Республикасининг табиий-иктисодий салоҳияти ва ундан фойдаланиш самарадорлиги              | 34 |
| Утегенова С. Т. Аудит в Узбекистане: качество и тенденция развития                                                        | 8  |

ОБРАЗОВАНИЕ. МЕТОДОЛОГИЯ.  
ПСИХОЛОГИЯ

|                                                                                                                                                         |    |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Абдимуратова Н. П. Схема, модель, система и основные компоненты процесса развития социально-культурной компетенции у будущих учителей английского языка | 42 |
| Абдусаматов Х.У. Ёш даврларда никоҳдан ташқари муносабатларнинг ижтимоий психологик хусусиятлари                                                        | 45 |
| Ходжаев Б. Ўқувчиларда тарихий тафаккурни ривожлантиришнинг нейропедагогик хусусиятлари                                                                 | 47 |
| Уразмбетова Л., Исмаилова М. Ҳозирги давр ёшлар сиёсати ва оммавий маданият                                                                             | 51 |
| Джумагулов З.У. Меҳнат таълими йўналиши бўйича ўқитилаётган мутахассислик фанларини психологик омиллари                                                 | 54 |
| Джуманиязова М. Х. Психология развития и особенности формирования религиозных представлений                                                             | 56 |
| Таспанова Г. Антропоген ва техноген фаолиятлар қадриятлар контекстида                                                                                   | 58 |
| Бобожонов Ф. Қ. Педагогик имиж – таълим технологияси сифатида                                                                                           | 60 |
| Саггаров А.Н. Умумий ўрта таълим мактаблари бўйича I I-синфда “Тадбиркорлик асослари” фанининг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш                 | 62 |
| Рахманова М.Қ. Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларини тизимли ёндашув асосида ташкил этиш ва бошқариш                               | 64 |

## АДАБИЁТЛАР

1. Davlat dasturi. 2018 yil «Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash yili»
2. №803-Ф Фармойиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2017 йил 25-июль
3. G'afurov U., Sharipov Q. Tadbirkorlik asoslari –Toshkent, 2018
4. Sariqov va boshqalar. "Iqtisodiy bilim asoslari" –Toshkent, 2014
5. Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. "Iqtisodiyot nazariyasi". –Toshkent, 2010

**Резюме.** Мақолада улуғма орта билим бериш мектеплерининг 11 класслари ушун "Исбилерменлик тийкарлари" сабақлиғининг оқуш-методикалык базасын жетилиштириш маселеси сөз этилип, онда сабақты этиш процесинде бир канша интерактив методлардан пайдаланыш бойынша усыныслар берилген.

**Резюме.** Мақолада умумий ўрта таълим мактабларининг 11 синфлари учун «Тадбиркорлик асослари» фанининг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилган, унда фанни ўтиш жараёнида бир канча интерактив методлардан фойдаланиш бўйича таклифлар берилган.

**Резюме.** В статье рассматриваются вопросы усовершенствования учебно-методической базы предмета "Основы предпринимательства" для 11 классов общеобразовательной средней школы, даются рекомендации по использованию ряда интерактивных методов в процессе изучения данного предмета.

**Summary.** The article studies the image of the faculty and management staff of the university from the perspective of a new educational technology.

**Таяныш сөзлер:** исбилерменлик, сабақ, мектеп, оқуш процесси, методика.

**Таянч сўзлар:** тадбиркорлик, фан, мактаб, ўқиш жараёни, методика.

**Ключевые слова:** предпринимательства, урок, школа, учебный процесс, методика.

**Key words:** systemic and conceptual approach, preparation process, differentiation, structure.

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ

Рахманова М.Қ.

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини муҳандислиги институти*

Замонавий педагогика фани педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш ҳолатларини ҳар томонлама, турли ёндашувлар асосида тадқиқ этиш билан бир қаторда, уларни таълим амалиётига татбиқ этиш технологияларини такомиллаштириб боради. Бугунги кунда ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришга тизимли ёндашув технологияларини татбиқ этмасданмазкур жараёнларнинг самарадорлигини таъминлашни тасаввур қилиб бўлмайди. Ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларига тизимли ёндашувни татбиқ этиш узлуксиз таълим жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш асосида компетентли ўқитувчилар тайёрлашга хизмат қилади. Ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларига тизимли ёндашувни татбиқ этишда узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида ташкил этиладиган, яъни бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этувчи барча педагогик жараёнлар мажмуи яхлит тизим сифатида, яъни ташки муҳитда хизмат қилаётган мураккаб педагогик тизим сифатида кўриб чиқилади. Бунда педагогик жараёнларнинг алоқалари ва боғлиқлиги ҳамда ўқитувчилар тайёрлаш жараёнлари самарадорлигига таъсири инобатга олиниб, тизимга хос хусусиятларга эга бўлган барча жараёнлар бир бутун, яъни яхлит тарзда лойиҳалаштирилади. Ўқитувчилар тайёрлаш тизими самарадорлигини ўрганишда узлуксиз таълим тизимида ташкил этиладиган педагогик жараёнлар алоҳида хусусиятларга эга бўлган бир неча қисмларга ажратишиб, улар ўртасидаги алоқалар ҳамда ўзаро боғлиқлик хусусиятлари аниқланади, чунки ҳар бир қисм яхлит тизимнинг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади.

Тадқиқотларда тизимга муайян яхлитликни ташкил этувчи ҳамда ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган компонентларнинг мажмуи сифатида қаралади. Тадқиқотчилар педагогик тизимларни ўрганиш жараёнида, яхлит тарздаги педагогик тизимни бир неча ташкил этувчи жараёнларнинг мажмуи сифатида кўриб чиқади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича, узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнлари тизимга хос хусусиятларга эга бўлсада, амалиётда мазкур жараёнлар бир-бирига узвий боғлиқ ва алоқадор бўлмаган ҳолда ташкил этилмоқда. Бизнинг фикримизча, узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларига тизимли ёндашувни жорий этиш ўзига хос яхлитлик, умумийлик, универсаллик, дифференциаллик каби хусусиятларга эга бўлган мужассамлаштирилган технологияларни татбиқ этишни назарда тутади. Тизимли ёндашувни татбиқ этиш технологиялари мажмуи ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларини лойиҳалаштириш, моделлаштириш, ташкил этиш ва бошқариш йўналишларида педагогларга қўйилаётган талаблар мажмуини ифодалаши билан бир қаторда, уларнинг фаолияти самарадорлигини таъминловчи энг зарур омиллар ҳисобланади. Демак, ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларининг тизимга хос хусусиятлари, яъни: таълим тизими сифатида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнлари компонентлари (ташкил этувчи қисмлари)нинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги; ҳар қандай (яъни ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлмаган) ташкил этувчи қисмлар (компонентлар) мажмуи тизимни ташкил этмаслиги; яхлитлик; умумийлик; универсаллик; дифференциаллик; структуравийлик ва бошқарувчанлик; муайян мақсадга йўналтирилганлик. Шунингдек, энг асосийси, тизимга хос етакчи хусусиятлари сифатида изчиллик, узвийлик ва узлуксизлигини эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунида келтирилишича, таълим тизими: давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари; таълим тизимининг ривожланишини таъминлаш учун илмий тадқиқот ишларини олиб боровчи илмий-педагогик муассасалар; таълим соҳасидаги давлат бошқаруви идоралари, шунингдек, уларнинг тасарруфидаги корхона, муассаса ва ташкилотлардан иборатдир. Шундай экан, ўқитувчилар тайёрлаш тизими

ижтимоий аҳамият касб этувчи мураккаб педагогик тизим бўлиб, уни ташкил этувчи компонентларнинг барча хусусиятлари ва жиҳатлари педагогик тизимга хос хусусиятлардир. Мазкур хусусиятлар узлуксиз таълим тизими компоненти сифатида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнлари мажмуини ҳам мураккаб ташкилий тузилмага эга эканлигини ифодалайди. Мураккаб педагогик тизим ҳисобланаётган ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларининг структуравийлик ва бошқарувчанлик каби хусусиятлари тизимни ташкил этувчи компонентларнинг ҳар бири алоҳида кичик тизим эканлигини, яъни мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим муассасалари макротизим эканлигини ифодалайди. Чунки ўз ўрнида макротизим ҳисобланаётган ҳар бир компонент ўз таркибида синф, гуруҳ, факультетлар ва ҳ.к.лар кўринишидаги кичик тизимларга эга (1-расм).

1-расм. Ўқитувчилар тайёрлаш тизими мураккаб педагогик тизим сифатида Мураккаб педагогик тизим сифатида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнлари компоненти (ташкил этувчи қисмлари)нинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги хусусиятлари ҳар бир кичик тизим таркибий қисм сифатида яхлит тизимнинг ташкил этувчиси (компоненти) эканлигини ифодалайди, хусусан, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим жараёнлари ўқитувчилар тайёрлаш тизими компоненти ҳисобланади. Ўқитувчилар тайёрлаш тизимининг мураккаб педагогик тизим сифатидаги яхлитлик ва умумийлик хусусиятлари эса ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган (юқорида санаб ўтилган) барча кичик тизимларнинг мажмуи узлуксиз таълим тизимини ташкил этишини тавсифлайди.

Демак, мураккаб педагогик тизим сифатида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларининг энг муҳим хусусиятларидан бири яхлитлик бўлиб, мураккаб педагогик тизимга хос мазкур хусусият ўқитувчи шахсининг ҳар томонлама камол топиши учун ўзаро ҳамкорликда таъсир кўрсатувчи атроф муҳит ва педагогик жараён қатнашчиларининг ижтимоий яхлитлигини ифодалайди. Яъни узлуксиз таълим тизимининг муҳим босқичи бўлган мактабгача таълимдан бошлаб ўқитувчилик касбига қизиқтириш, мактаб ва мактабдан ташқари таълим жараёнларида касбга йўллаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларида ўқитувчи ва тарбиячилар тайёрлашни амалга оширилиши ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларининг изчиллиги ва узвийлигини таъминлашга хизмат қилади. Юқорида келтирилган тизимга хос хусусиятларнинг мазмун-моҳияти ва илмий-амалий аҳамиятига асосланиб айтиш мумкинки, узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнлари табиятан ижтимоий бўлиб, мураккаб тузилишга эга ва маълум яхлитлик касб этади. Шунингдек, узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнлари ҳам тизимга хос қонуниятлар ва тамойилларга асосланади, шунинг учун ҳам узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришга тизимли ёндашувни татбиқ этиш зарур.

Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришга тизимли ёндашувни татбиқ этиш заруратининг барча асослари ўқитувчилар тайёрлаш муаммоларига концептуал ёндашувлар бўйича олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларига асосланади. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларини ўзаро боғлиқ ва алоқадор тарзда, яъни яхлит тизим сифатида ташкил этиш ва бошқариш ҳам тизимга хос хусусиятларга эга бўлиши керак. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришга тизимли ёндашувни татбиқ этишнинг зарурияти, мазмун-моҳияти аҳамияти қуйидаги тамойилларга асосланади: узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларида субъект-субъект муносабатларининг қарор топиши; ўқитувчилар тайёрлаш жараёнлари субъектлари фаолиятининг мақсадга йўналтирилганлиги, изчиллиги ва ўзаро боғлиқлиги; узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнлари мураккаб педагогик тизим сифатида ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган жараёнлар мажмуидан иборат эканлиги; узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи ички ва ташқи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги; узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнлари алоҳида бир тизим сифатида ҳамда юқори тартибли яхлит педагогик тизимнинг ташкил этувчи компоненти сифатида мавжудлиги; ўқитувчилар тайёрлаш тизимининг ташқи муҳит ва бошқа тизимлар билан ўзаро таъсир этиш хусусиятларига эга эканлиги.

Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларининг педагогик тизим сифатидаги фаолият самарадорлиги мазкур жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга тизимли ёндашув технологияларини татбиқ этишга боғлиқ бўлса, пировард натижада компетентли ўқитувчи шахсини тайёрлаш кўп жиҳатдан мазкур жараёнларнинг мазмунан давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигига ҳам боғлиқ бўлади. Демак, узлуксиз таълим тизимида мураккаб педагогик тизим ҳисобланаётган ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги муаммоларининг кўпқирралилиги ва мураккаблиги, нафакат мазкур жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш технологияларини ўзгартиришни назарда тутди, балки унинг мазмунини такомиллаштириш заруриятини ҳам белгилайди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Аблязимова Н.М. Педагогические условия формирования компетентности будущего учителя в аспекте инновационной деятельности. // *Uzluksiz ta'lim*. – Т., 2008. – №4 – С.39-43.
2. Бордовский В.А. Теория и практика организационно-методического обеспечения инновационного развития высшего педагогического образования: Дисс. ... д-ра пед. наук. – СПб., 1999. – 365 с.
3. Тихомиров А.А. Управление развитием инновационного потенциала педагогических кадров в школе: дисс. ... канд. пед. наук. – Череповец, 2001. – 180 с.

**Резюме.** Мақала оқитишчилар тайярлаш процессларини шөлкемлестириш ҳам басқаришга системалы қатнасты усынышдың заруригине бағышланып, онда курамалы педагогикалык система сыпатында оқитишчилар тайярлаш процеси компонентлерининг системаға тән қасийетлери ҳам олардың әмелий әҳмийети илимий тийкарланған.

**Резюме.** Мақола ўқитувчилар тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришга тизимли ёндашувни татбиқ этишнинг заруратига бағишланган бўлиб, унда мураккаб педагогик тизим сифатида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнлари компонентларининг тизимга ҳос хусусиятлари ҳамда уларнинг амалий аҳамияти илмий асосланган.

**Резюме.** Статья посвящена необходимости применения системного подхода при организации и управлении процесса подготовки учителей, а также освещены особенности компетентов этого процесса и их значения.

**Summary.** The article is devoted to the need to apply a systematic approach in the organization and management of the process of teacher training, and also highlights the features of the components of this process and their meaning.

**Таянч сўзлар:** системалы ҳам концептуал катнас, оқытыўшылар таярлаў процеси, дифференциал, структура.

**Таянч сўзлар:** тизимли ва концептуал ёндашув, ўқитувчилар тайёрлаш жараёнлари, дифференциал, структуралық.

**Ключевые слова:** системный и концептуальный подход, процесс подготовки, дифференциальность, структурность.

**Key words:** systemic and conceptual approach, preparation process, differentiation, structure.

## ЭШКАК ЭШИШ СПОРТИДА СУВНИ СЕЗИШ ВА МУВОЗАНАТ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ

Икрамов Б. Ф.

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети*

Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этилишини таъминлаб бermoқда. Юртимизда болалар ва ўсмирлар спортга қаратилган жиддий эътибор туфайли, ёш авлодни жисмонан етук қилиб тарбиялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда турли миқёсдаги мусобақаларда натижаларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратилиб берилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031 сонли “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида”ги қарори асос бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги ПФ-5368 сонли Фармони асосида Республикамызда жисмоний тарбия ва спортга, айниқса болалар спортини ривожлантириш ва оммавийлаштиришга устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқ

**Долзарблиги.** Янги шуғулланувчини дастлабки машғулотлардаёқ эшкак эшиш санъати, яъни кучли эшкак эшиш орқали қайикни илгари сура олиш маҳоратини дарҳол ўргатишни мураббий қанчалар орзу қилмасин, афсуски, буни ҳеч иложи йўқ, чунки байдарка ва каноэ турғунлиги беқарор спорт жиҳозлари ҳисобланиб, аввалига уларда тўнқарилиб кетмасдан шунчаки ўтиришга ўрганиш ҳам қийин кечади. Эшкакчининг мувозанатни сақлаш қобилияти дорбозлик санъатига ўхшайди. Байдарка ва каноэда эшкак эшувчиларда мувозанат ҳиссиёти бундан кам бўлмаслиги керак.

Илмий-методик адабиётларда таърифланган тadbиротлар кўпроқ мувозанат ҳамда эшкак эшиш ҳаракатлари техникасини ишончли эгаллаб бўлган эшкакчиларда ўтказилади. Бироқ, эшкак эшиш спортга келган ёш спортчиларда мувозанат, эшкак эшиш техникасини ва қайикни бошқариш санъатини шакллантириш, ўзлаштириш ҳамда тезкор ривожлантиришга бағишланган ишлар жуда камдир. Ушбу масала бўйича эшкак эшиш спортни бўйича аксарият машҳур мутахассисларнинг таъкидлашича, ёш эшкакчилар эшкак эшиш техникаси ва ўзига ҳос мувозанатни ўзлаштиришни аввал қуруқликда ўрганишлари зарур. Бироқ, қандай, қаерда, нимага ва қай тарзда ўргатиш керак? Мазкур саволларга олимлар жавоб бермаганлар, шу боис ёш эшкакчиларни бошланғич тайёргарлик босқичида мавжуд муаммоларни ҳал этиш муҳимдир [3, 27; 4, 37].

**Ишдан мақсад.** Эшкак эшиш спортида сувни сезиш ва мувозанат малакасини ривожлантиришни нечоғлик зарур эканлигини очиқ бериш. Мақсадга эришиш учун биз олдимизга қуйидаги *вазифаларни* қўйдик: Мавзуга оид адабиётларни ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш; Эшкак эшиш спортида мувозанатга таъсир этувчи омилларни кўрсатиб ўтиш; Сувни сезиш ва мувозанат малакасини ривожлантириш кетма кетлигини аниқлаб олиш; Мураббийлар ўртасида сўровнома ўтказиш; Хулоса.

**Тadbирот натижалари.** Таълим бошланишида йўл қўйилган хатолар албатта ачинарли натижаларга олиб келади. Шу боис биз сув ва мувозанатни ҳис қилишни ривожлантиришга йўналтирилган махсус усуллар билан ўртоқлаштириш ҳамда эшкакчиларни ўз техник маҳоратларини такомиллаштиришга нисбатан оқилона ёндашишга ўргатишни истадик.

Мувозанат ҳисси весибуляр аппаратнинг ривожланганлиги, руҳий барқарорлик, сув муҳитидаги мураккаб шароитлар – тўлқинлар ва шамолда тўнқарилиб кетишдан қаттиқ қўрқмасликка боғлиқ. Бундай омиллар ҳаракатларни чеклаб, асабийликка сабаб бўлади. Мувозанат яна бир омил – сувни ҳис қилиш билан чамбарчас боғлиқдир: сув зичлигини мушак орқали нозик ҳис қилиш (эшкак эшишнинг бошланғич фазасида сувни ушлашда айниқса яққол намоён бўлади). “Сувни ҳис қилиш” билан боғлиқ туғма ёки орттирилган қобилият билан алоқани ҳар қандай шароитларда йўқотмаслик жисмоний кувватни минимал (аниқроғи, мақбул) даражада кетказиш орқали юқори тезликка эришиш имконини бериши мумкин. Сувни ҳис қилиш эшкакчи учун умумқамровга эга атамдир. Мушаклар тузилиши ҳамда қайикнинг турли об-ҳаво шароитларидаги ритмиклиги, “эшкакчи-эшкак-қайик” тизимининг яхлитлиги, эшиш даражаси, сув ҳавзаси чуқурлиги, сувнинг зичлиги ва ҳарорати, оқим, байдарка ёки каноэнинг тузилиши ва оғирлиги, эшкакчининг қайиқда жойлашиши, мураккаб шароитларда сабр қилиш қобилияти, хотиржамлик, ритмга монандлик, амплитуда, техника, тактик маҳорат, функционал жиҳатдан тайёрлик, курашчи сифатлари, вазни бўйича турли қайиқлардан, эшиш юзаси кичрайтирилган эшкаклардан фойдаланиш, эшкакни ушлаш ҳолатини ўзгартириш ва бошқалар – буларнинг бари сувни ҳис қилишга таъсир кўрсатади.